



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фналар  
туркуми**

Бош мухаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош мухаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Нишонова О.Ж.** – ф.ф.д., проф.

**Абдуллаева Н.Б.** – ф.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Утамурадов А.** – ф.ф.н., проф.

**Ахмедов Х.А.** – с.ф.д.

**Мирзаахмедов К.М.** – с.ф.ф.д., PhD.

**Мухаммадова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Болтабоев Ҳ.** – фил.ф.д., проф.

**Рахмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

|   |    |
|---|----|
| Абдуллаев Э. Темурийлар даврида амир, бек увонлари масаласининг илмий адабиёт ва хориж манбаларида ёритилиши .....    | 4  |
| Зиёев Ш. Марказий осиё давлатлари – европа иттифоқи сиёсий алоқалари тарихшунослиги .....                             | 7  |
| Инсопов А. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти ..... | 10 |
| Курдатов Д. Ўрта асрлар урбанизация жараёнларининг таҳлиллари (умумийлик ва ўзига хослик) .....                       | 14 |
| Рашидов О. Ўзбек зиёлилари ижодида миллий ва пролетариат мағкураси ўртасида кураш .....                               | 18 |
| Турсунов Р. XIX асрнинг 2 ярми - XX аср бошида туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат ва сув ресурслари таснифи.....     | 22 |

### Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология

|   |     |
|---|-----|
| Alimboyeva R. Mustaqillikning dastlabki yillarda o'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport: xalq ta'limi tizimida .27   |     |
| Alimova K. Techniques of developing lexical skills and their implementation .....   | 31  |
| Аманов Ф. Ёшлар ижтимоийлашувида маънавий – ахлоқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари .....  | 34  |
| Атахўжаев В. Миллий қадриятлар тизимида комил инсон масалалари (оила маънавияти мисолида) .....   | 37  |
| Atoyev F. Talabalarga axborot texnologiyalari fanini o'qitishda elektron ta'lif resurslari o'rni.....40   |     |
| Akhmadjonova K. Communication strategies of children in situations introduction of new vocabulary in a foreign language .....   | 43  |
| Beknazarov S., Qahramonova X. Texnika ixtisosligi talabalarida informatsion kompetentlikni shakllantirish metodikasining informatsion-analitik imitatsion modellardan foydalanish.....46                |     |
| Bo'ronova G. COVID-19 pandemiyasi davrida robototexnika to`garaklarini virtual didaktik vositalar yordamida tashkil etish samaradorligi.....49  |     |
| Ғозибеков Т. Маиший-турмуш доирасидаги турли зўравонлик ва у билан боғлик ҳуқуқбузарликларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, илмий таҳлили ҳамда уларнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 53  |
| G'ofurova S. Strategies to increase critical thinking skills in english language teaching .....   | 56  |
| Daminova G. Zamonaviy ta'lim muhitida integrallashgan kimyo darslarini tashkil qilish .....   | 59  |
| Dekhkanova N. The use of innovative technologies in teaching in medical universities.....63   |     |
| Джураева Д. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш модели.....  | 66  |
| Жуманиёзова Д., Қодирова Ф., Алимкулова Д., Нишонова К. Янги Ўзбекистондаги янгиланиш тенденцияларида тасвирий ва амалий санъат терминларининг ўрни .....   | 69  |
| Замилова Р. Вопросы формирования исторического мышления будущих учителей при изучении исторических наук.....  | 74  |
| Избуллаева Г. Дидактик асрларда оиласиий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни.....79  |     |
| Илхамова Д. Клиническая характеристика психологических расстройств у детей, больных хроническими соматическими заболеваниями .....  | 83  |
| Инамова Г. Юқори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар ёрдамида тинглаб тушуниш кўнкимасини ривожлантиришдаги муаммолар .....   | 87  |
| Ишқобилов Ф. Компьютер имитацион моделлар асосида зоология фанидан угленоидларнинг тузилиши ва ҳаракатларини виртуал лабораториясини яратиш технологияси.....   | 90  |
| Карамян М. Психологическое благополучие как фактор ценностного отношения личности к здоровью ....95   |     |
| Қўнғиров И. Ижтимоий шериклик моделининг такомиллашуви жараённада фуқароларнинг сиёсий маданияти.....   | 99  |
| Qurbanov A. Bo'lajak muhandis-elektriklarning kasbiy sifatlariga qo'yiladigan zamonaviy talablar .....  | 102 |
| Мажитов М. Шахс шаклланиши жараёнида ижтимоий мухитнинг аҳамияти .....  | 106 |
| Маматов З. Ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида фуқаролик жамияти ғоясининг тараққиёти .....   | 109 |
| Мамаюсупова И. Ўспиринлар ўртасидаги ўзаро муносабатларидаги низоларларининг экспериментал жиҳатдан ўрганилиши.....   | 112 |
| Mahkamova L. Insult kasalligi bilan xastalangan bemorlarda afaziyalarining namoyon bo'lish xususiyatlari .....  | 116 |
| Мираширова Н. Тараба-психологлар касбий камолотида ижтимоий-психологик портретининг аҳамияти .....  | 120 |
| Mirgiyazova M. Common problems caused by testing and assessment in learning legal english and test modification process (in an example of tsul) .....   | 124 |
| Мустафаева Н. Инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этишда мультисенсорли ёндашувли хики методи .....  | 128 |
| Нишанова О. Ўзбек аёллари этник маданиятининг трансформациялашуви.....  | 131 |
| Nuraliyeva N. Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarni malaka oshirish jarayonida kasbiy-ijodiy faoliyatini rivojlantirish .....   | 134 |
| Отамуродов Ф. Таълим соҳасида педагог кадрларни малакасини оширишда хориж тажрибасининг назарий ва илмий асослари .....   | 137 |
| Radjabova A. Gender fenomeniga sharq va g'arb falsafasidagi munosabat .....   | 141 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>Raxmanov E.</b> Yunon-rim kurashida kombinatsion hujuм harakatlarini takomillashtirish yo‘llari.....  | 144 |
| <b>Рябова М.</b> Разработка методики диагностики семейной истории и семейных традиций .....  | 149 |
| <b>Самадов F.</b> Рақамли технологиялар мұхитида сиёсий лидер имижини бошқариш .....   | 153 |
| <b>Сағдиева Г.</b> Давлат хизматчиси фаолиятини мұвоғиқлаштиришнинг методологияк мұаммолари.....   | 157 |
| <b>Сейтова З.</b> Концепция устойчивого развития общества – признание общих интересов человечества.....  | 160 |
| <b>Туйчиева М.</b> “Адабиёт” дарслекларидаги ўқув материаллари таҳлили .....   | 163 |
| <b>Тунияң А.</b> Возрастная динамика переживания счастья в семье (гендерный аспект) .....  | 166 |
| <b>To‘raxonov F.</b> Fizika o‘qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanishning didaktik asoslari .....  | 170 |
| <b>Турғунова Г., Гаффорова М., Закирова Э.</b> Фокус-группы как метод изучения представлений студентов о семье .....   | 173 |
| <b>Түркменова М.</b> Тарабалар толиқишини олдини олиш .....  | 176 |
| <b>Tursunov Q., Shohimardonov J.</b> “Milliy dastur” asosida yaratiladigan zamonaviy ta’lim dasturi tahlili.....   | 179 |
| <b>Urinov B.</b> Oliy ta’limda ta’lim sifati.....  | 182 |
| <b>Файзиева О.</b> Техника тройного прыжка с разбега и методы его обучения студентам .....   | 184 |
| <b>Хайдарова А.</b> Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий мезонлари.....  | 187 |
| <b>Хасанова Н.</b> Қанды диабеттә шахснинг касаллікка ва даволанишга муносабатининг хусусиятлари .....   | 190 |
| <b>Хафизова У.</b> Философские основы языка религии .....  | 195 |
| <b>Холназарова Д.</b> Тарабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар .....   | 198 |
| <b>Ҳамроев F.</b> Она тили таълимимда ўқув топширикларини такомиллаштиришнинг лингводидактик хусусиятлари.....   | 202 |
| <b>Cho‘liyev A.</b> Voleybol – inson salomatligining omili sifatida.....   | 206 |
| <b>Shirinqulova Sh.</b> Tibbiy yo‘nalishdagi ta’lim muassasalarida tibbiy informatika metodikasi .....   | 210 |
| <b>Эмирова Е.</b> Метод экстраполяции в смене парадигм научного познания .....   | 212 |
| <b>Филология</b>   |     |
| <b>Абдувахабова Д.</b> Экспрессивлик ва эмотивлик категорияларини коммуникатив-прагматик хусусиятлари  | 216 |
| <b>Abdujabborova X.</b> Alisher Navoiy asarlarida “faylasuf” termini ma’nosini bildiruvchi so‘zlar talqiniga doir .....  | 219 |
| <b>Абдуллаев А.</b> Жой номларида миллий-маданий белгиларнинг акс этиши (тошкент вилояти топонимлари мисолида) .....   | 222 |
| <b>Abdullaeva K.</b> Comparative analysis of english and uzbek folklore genres .....   | 226 |
| <b>Абдухамирова Д.</b> Значение 家-иэ-«дом» в системе имен родства в японском языке .....   | 229 |
| <b>Авилова К.</b> Тиббий терминологиянинг лингвистик хусусиятлари, "тиббий атама" тушунчаси ва унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи .....   | 232 |
| <b>Азимов И.</b> Иброҳим тоҳирийнинг тил ва имло масаласига муносабати .....   | 236 |
| <b>Ataboyev A.</b> Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси .....   | 240 |
| <b>Ахмедова О.</b> “Ё рамазон” қўшиқларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш ва талқини масалалари .....   | 244 |
| <b>Baxodirova Sh.</b> Psixolingvistik yondashuvga doir tadqiqotlar tarixi va tavsifi .....   | 247 |
| <b>Бобокалонов П.</b> Француз ва ўзбек тилида каноник моделли гап, каноник моделли гапларнинг прагматик хусусиятлари, гап таркибидаги унсурларнинг объектив ва субстанционал қиймати ..... | 251 |
| <b>Давронова Ш.</b> Адабиётда контраст тасвирлаш усули (исажон сultonнинг “олисдаги урушнинг акс-садоси” хикояси мисолида) .....   | 253 |
| <b>Djamalxodjayeva G.</b> Muhammad Yusuf dostonlarida maqol va matallarning ifodalanishi .....   | 256 |
| <b>Джафарова Д.</b> Француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира”ни ифодаловчи матнлар таҳлили .....   | 259 |
| <b>Дўстмаматова Н.</b> Форма сравнительной степени прилагательных .....  | 261 |
| <b>Зоирова А.</b> Феминистик тадқиқотларда гинокритик ёндашув .....  | 265 |
| <b>Избаева Н., Гафурова У.</b> Некоторые размышления о термине «школы в науке» .....   | 268 |
| <b>Икромхонова Ф.</b> Типологик таҳлиллар (тарихий асарлар мисолида) .....   | 271 |
| <b>Ишанжанова М.</b> Француз ва ўзбек матнларида макон дейксисининг стилистик таҳлили .....  | 274 |
| <b>Matkarimova A.</b> Linguopragmatic and linguoculturological features of language means expressing the semantic field of "respect" .....   | 278 |
| <b>Мирханова Г.</b> Синоним сўзлар ўқув лугатининг мегакурилиши .....  | 281 |
| <b>Mirsharipova Sh.</b> Tarixiy romanlarda temuriy malikalar obrazzi talqini .....   | 284 |
| <b>Муллаева С.</b> Мультимедиавийликнинг анъанавий матбуот материалларига таъсири .....  | 288 |
| <b>Обиджонова М.</b> Рэй брэдбери ва ҳожиакбар шайхов ҳикояларида фан-техника тараққиётiga муносабат...  | 292 |
| <b>Расулова Г.</b> Айрис мёрдокнинг «қўнғироқ (the bell)» романыда композиция курилиши .....   | 295 |
| <b>Рахимов З.</b> Бадииятда изтироблар талқини .....   | 299 |
| <b>Хурсанов Н.</b> Драматик асарлардаги вербал компонентларнинг соционпрагматик хусусиятлари .....   | 302 |
| <b>Шодиева Ш.</b> Концептнинг лисоний вокеланиши .....   | 305 |
| <b>Eshniyazova A.</b> Zamonaviy qissa poetikasida ramz va metafora.....  | 308 |



**Гулчехра ИЗБУЛЛАЕВА,**

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти  
Педагогика, психология ва технологик таълим кафедраси доценти,  
Педагогика фанлари бўйича фахсафа доктори (PhD)  
E-mail: izbullayeva@mail.ru

БухДУ профессори, н.ф.д. С.К.Қаҳҳоров тақризи асосида

## THE ROLE OF FAMILY RELATIONS IN THE DIDACTIC WORKS IN THE SPIRITUAL GROWTH OF THE PERSON

Abstract

This article describes family relationships in didactic works created in Central Asia in the 13th century. In particular, a statement of family relations such as father and son, father and daughter, mother and child, such as humanity, courage, nobility, conscience, chastity and awareness, is given and its significance today is revealed.

**Key words:** father material and spiritual symbol, brave man, girl chastity, motherly love.

## РОЛЬ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ДИДАКТИЧЕСКОЙ РАБОТЕ В ДУХОВНОМ РОСТЕ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация

В данной статье описываются семейные отношения в дидактических произведениях, созданных в Средней Азии в XIII веке. В частности, дается констатация семейных отношений, таких как отец и сын, отец и дочь, мать и ребенок, таких как гуманность, мужество, благородство, совесть, целомудрие и осведомленность и раскрывается ее значение в наши дни.

**Ключевые слова:** материальный и духовный символ отца, храбрец, девичье целомудрие, материнская любовь.

## ДИДАКТИК АСАРЛАРДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАХС МАЬНАВИЙ ЙОКСАЛИШИДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада 13 асрда Марказий Осиёда яратилган дидактик асарларда келтирилган оилавий муносабатлар ёритилган. Жумладан, ота ва ўғил, ота ва қиз, она ва боланинг инсонпарварлик, мардлик, олийжоноблик, вижданлилик, иффат ва огохлик каби оилавий муносабатлар баёни келтирилган бўлиб унинг бугунги кундаги ахамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ота моддий ва маънавий тимсол, мард киши, қиз иффати, она меҳри.

**Кириш.** Мовароуннаҳр ва Хурросонда яратилган дидактик асарларда маънавий мазмунидаги ижтимоий муносабатларга кенг ургу берилган. Ижтимоий маънода, аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида ўтиб келаётган ота-онанинг фарзандини тарбиялаши мөърос саналади. Жамиятимизда ижтимоий, диний, хукуқий жихатдан ота-онанинг фарзанд олдиаги бурчлари белгилаб кўйилган. “Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил [4; 108]”, – дейилади ва одамни мевага, ота-онани дарахтга [4; 36] ўҳшатишади. Айниска, ота- ўғил муносабати шоҳ, шайх, оқил, донишманд, пахлавон ва деҳқоннинг ўз ўғлига насиҳати тарзида кузатилади. Ота роли, меҳрибон бошлиқ, раҳнамо, оиласа ва эл-юргта бошчилик килувчи, ёши ёки мансаби улуғ зот каби тасвирланган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Дидактик асарларда ота-ўғил муносабати ва отанинг ўғлига насиҳатига мисол тариқасида «Шоҳнома»да Рустамнинг Сухробга насиҳати [9; 159-204], «Гулистонда» Нўширавоннинг Хурмузга, Хисрав-нинг Шеруяга насиҳати [8; 148], Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий»сида, Рабгузийнинг «Қисаси Рабгузий»сида Ардашер Бобакнинг ва Лукмони Ҳакимнинг ўз ўғилларига насиҳати ҳамда Атторнинг «Илоҳийнома»сида отанинг олтига ўғлини ҳақ ўйлига соглани каби воқеаларни келтириб ўтиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** *Машҳур шарқшунос олимлар Петрушевский И. П., Бертелс Э.Э., Бартолд В.В., Акимушкин О.Ф., Розенфельд Б.А., Шиммел А., Идрис Шоҳ, Арберрӣ А.Ж., Арендс А.К.*

Халидова А.Б., Чехович О.Д., Пугаченкова Г.А., Ремпел, Л.И., Мўминов И.М., Носиров А., Низомиддинов И., Ирисов А., Комилов Н., Шомӯҳамедов Ш.М., Наврӯзова Г.Н., Ҳақкулов И. ҳамда Сайдов А. каби кўплаб олимлар Ўрта аср XI аср охири XIV аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хурросон тарихига доир илмий янгиликлари бугунги кун таҳдиқотларига долзарб аҳамият қасб этади. Ўрта асрларда Марказий Осиёда яратилган энциклопедик олим ва мутафаккилар томонидан яратилган дидактик асарларда келтирилган педагогик қарашларининг аҳамияти ва яхлиялиги, уларнинг билиш гоялари билан алоқаси, шахснинг шаклланиши ҳақида қарашлар ва уларнинг амалий ўйнаниши таҳтил қилинади.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Жамиятда «ота» сўзи фарзандли, бола-чакали эр киши, ёши катта кишиларга мурожаат килиш ёки уларга хурмат кўрсатиш учун ишлатилган. Жумладан, Фаридуддин Атторнинг «Булбулнома» асарида ота роли фарзандлар тарбиясига масъул шахс сифатида тасвирланган. Жумладан, асарда ота шахсига:

Ўғил гар беадабдир, фарзанд эрмас,

Адаб гар бермаса, ота дейилмас [5; 434], – деб таърифланади. Ушбу асарларда ота масъулияти бола тарбиясидаги ўрни моддий ҳамда маънавий жихатдан баҳоланган. Моддий жихатдан фарзанд вояга етгунча ота таъминотида бўлиши ва шу вакт ичига отанинг фарзандни қасб ва ҳунар эгаллаши учун ҳаракат қилиши лозимлиги таъкидланган.

Масалан, Носириддин Тусий «таълим олишда уч киши – шогирднинг, ўқитувчининг ва агар соғ бўлса

отанинг харакатига эҳтиёж бордир» [13; 16], - деб шахснинг тарбиясида отанинг ўрни муҳимлигини кўрсатади. Олим болани соғлом комил топиши: «отанинг бурчидирки, хар нарсадан аввал авлодларини вижонди бўлмокка ўргатсинлар, сўнгра турли хил таълим-тарбия ишларига бошласинлар» [14; 80], - дейди ва «ота хукуки жуда кўп руҳийлар, бу сабабга кўрада авлод ота танбехини кўргандан сўнгра ақлга кирап; она хукуки эса нисбатан жисмонийdir, бу сабабга кўра авлодлар буни жуда тез хис этади ва анъаналарга жуда ортиқча майл кўрсатадилар» [14; 80], - деб бола тарбиясида ота ва онанинг таъсирини изохлаb ўтади.

Авфий Бухорийнинг «Жавохир ул хикоят» китобида: «Ўғил отасининг хизматини бажо келтириши, унинг дуосини олиши ҳам фарз, ҳам қарз» [1; 122], - деб келтиради. Маънавий жихатдан эса ота фарзандининг Аллоҳни ягоналиги, Пайғамбарни уммати эканлигини билиш, авлиёларни эъзозлаш, ҳалқни улуғлаш каби фазилатларни эгаллаши учун ҳаракат килиши кераклиги изохланади. Абу Ҳурайра (р.а.) Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят киласидар: «Отанинг ўғлидаги ҳакки учтадир: Туғулса яхши исм кўйиш, ақли етса Қуръонни ўргатиш, балогатга етса уйлантириши». Бундан ташқари ота фарзандига маслаҳат, насиҳат бера олиши учун, ўзи ҳам намуна, ўрнак бўла олиши, яхши амалли инсон бўлиши зозимлиги тасвиrlангган.

Рабгузийнинг «Кисаси Рабгузий»сида Лукмони Ҳаким ўғилларига уч насиҳати келтириб: хотинга сирингни айтмагин; нокастан қарз олмагин; миршабдан дўст тутмагин [12; 86], - дейди. Шунингдек асарда, Ардашер Бобак ўғлининг насиҳатини келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра Ардашер Бобак: Эй фарзанд, жидду-жаҳд килгилким, шафқат ва марҳамат бирла раиятни дўстлик мартабасига етказгин, шундагина кўнгилларини кўлга олгайсан, бошқа аъзолари унга тобедир [12; 160], - дейди. Фаридуддин Атторнинг «Илоҳийнома» асарида эса отанинг фарзандига насиҳати куйидаги мазмунда тасвиrlангган:

Болам, иш килки андок мева берсин,  
Ишинг йўқ эрса, қандоқ мева берсин?  
Агар эрсан, ўзингни тоза тутгил,

Бу ўйлда ишни беандоза тутгил [5; 120]. Яна «Илоҳийномада» бу борада «Агар ҳалқ бирлан бўлсанг, меҳрибон бўл. Тилингга эрк берма, ширин забон бўл. Юрарсан сан, бош эгиб юр, оёғинг остига дамо-дам бокқил. Сенга ҳалқ ўнта суфра ёзсалар, ҳам, сабр кил, иштаҳангни карнай этма...» [5; 120] - дейилади.

Сайдийнинг «Гулистан» асарида отанинг ўғлига васияти борасида: «Бахтиёр болам, куй кулоғингга панд. Ўз элига вафо килмаган киши, на севимли бўлур ва на донишманд» [8; 121], - «Бил ўғлим, гўдакларга килма ситам, ўзингдан улуғ жабр этар сенга ҳам» [8; 174], - деб келтирилади. Юқорида алломалар фикрларидан келтирилган отанинг ўғилга қилган васиятларида инсоннинг одамийлик, шиҷоат, вафодорлик хислати улуғланиб, ситамкорлик хислати кораланмокда.

Бундан ташқари «Гулистан», Ҳусравнинг ўғли Шеруяга қилган насиҳати келтирилади. Ушбу насиҳатга кўра, ўғлининг адолатли, инсоғли бўлиш, яхшилар бошини силаш, зулм этгувчига омонлик бермаслик, мусоифирни ҳурмат килиш, гарибнинг дўсти бўлиш, саёҳларни севиш, бегонадан ҳушёр бўлиш, кадрлонлар кадрини ошириш, муруватли бўлиш каби хислатларни эгаллаш олга сурилади. Бундан ташқари, «Бўстон»да ҳам отанинг ўғилга насиҳати борасида, адолати ва камтарилиги билан ном чикарган арабларнинг уммавий халифалардан бири Халифа Умар ибн Абдулазиз ўғли Абдуллоҳга [8; 161] минг дирҳамга сотиб олган кимматбахо узугини сотиб, унинг кийматига мингта очнинг корнини тўйғаз, деб насиҳат килгани ҳакидаги Абу

Райхон Берунийнинг маънавий меросидан ҳикоя келтирилади. Инсон ўзидан яхши ном қолдириши учун муаллиф яна:

Ўтай яхши ном билан десанг агар,  
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.  
Агар бўлмаса аклу фикри унинг,

Нишон қолмагай сендан ўлган қунинг [8; 180], - дейди. Демак муаллиф, ўзидан кейин илму-маърифатли ва ҳунарли авлодларни қолдириб кетиш ҳам, яхши ном қолдиришнинг бир муҳим шарти эканлигини кўрсатиб бермокда.

«Бўстон»нинг еттинчи «Тарбия ҳакида» бобида эса бола тарбиясида ота-онанинг ўрни, кишиларнинг оиласида, кўча-кўйда ёмон хислатлардан воз кечиш каби катор хусусиятлар ҳакида сўз юритилган. Сайдийнинг таъкидлашича, оиласидаги муҳит бола тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Оила боланинг баҳти, келажаги учун замин яратувчиидир. Оиласида асосий таянч отадир. У масъулиятли тарбиячидир. Асарда ота ўз болаларни тарбиялаши, ўқитиши, ҳунарга ўргатиши, жисмонан чиниктириши, кобилиятини ривожлантириши лозимлиги, тарбия бўлмаса, боладаги кобилият сўниши ҳакида мулоҳазалар келтирилган. Сайдий болани тарбиясида ота-она ва атрофдагилар «ҳар бир сўзни ўйлаб айтишга одатланишини» [8; 229] муҳим омил деб таъкидлайди.

Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий»сида ҳам ота ва ўғил муносабатида мардлик, вафодорлик, садоқат, бағрикенглик каби хислатлар улуғланиб «Раббоний ва ўғиллари», «Жуҳо ва отаси», «Подшоҳ ва унинг ўғли» каби хикоялар келтирилган. «Раббоний ва ўғиллари» номли хикояда бир раббоний, комил инсон, одамнинг жони бўлган кимса боғ-роғлари хосилидан ўйксилларга хайр-эҳсон берар экан. Лекин унинг бу ишига фарзандлари хасад қилишибди. Чунончи, у узум узса, майиз қуритса, ҳолва пиширса, буғдой ўрса, хирмон кўтарса, тегирмонда ун тортса, ҳамир корса, нон ёпса ҳалқка ушр берар экан. Шунинг эвазига Аллоҳ таоло унинг боғ ва даласига бир барокат ёғдирган эканки, бошқа боғ-роғ эгалари бунга муҳтоҷ бўлиб, мева ва акча сўрашарди, у эса бирорвога муҳтоҷ бўлмасди. Ўғиллари ўшал хайр-у эҳсонни кўришардибоғдаги баракотни кўришмас эди. Богбон ўғилларини чакириб: «Боғимиздаги баракот хайр-у эҳсонимиз натижасидир, мендан кейин ҳам хайру эҳсонни канда қилманг. Шундагина Аллоҳ бизга ўз баракотини ато этади» [7; 340], - деган экан. Ушбу ҳикоя орқали отанинг ўғилларига муруватли бўлиш ва бағрикенгликнинг инсон ҳаётига улуғ бир баракат олиб келиши тушунтирилган. Хайр-у эҳсонли инсонлар ҳамиша баракотли бўлиб, ҳалқ ичидаги ўрнига эгалиги билан ажралиб туради. Баракот тушунчаси дунёни илоҳий англаш тушунчаси билан ҳамоҳанг бўлиб, инсонга нафси тарбиялашга хизмат қиласи.

«Маснавий»даги «Подшо ва унинг ўғли» номли хикоясида бир подшонинг ёлғиз ўғли бор экан. У акл-у маънода танҳо экан. Бир кун шоҳ уйқусида ўғлининг ўлимини кўриб, ғам-андухда колибди. Ўйгонса бу туши экан. Ҳурсандлигидан ўғлини уйлантиримокчи бўлибди ва унга келин кидира бошлишибди. Охири, бир дарвеш кизини танлашибди. Шунда шоҳнинг хотини: «У бизга тўғри кўлмайди, одамлар нима дейди? Шоҳ баҳиллик киялти, дейишади», - дебди. Бу гапларни эшигтан шоҳ: «Менга бойлиги керак эмас, солиҳа келин керак», - дебди. Лекин ўғлининг ранги заъфарон экан. Шоҳ ўғлининг тузалиши учун хайр-у эҳсонлар киласи экан. Тўрли хил табибларга кўрсатар экан, давоси бўлмабди. Ўғлини бир алвасти кампир сеҳру-жоду қилган экан. Сеҳргар кампирнинг сеҳр-у жодусини узок элда яшаган бир табиб эшишибди ва етиб келибди. Йигитни сеҳргар кампир дастидан ҳалос қилибди. Подшо ҳалқка тўй-томоша қилибди, ўғлини уйлантирибди [7; 567]. Ҳикоя сўнгиди

хикояда ифодаланган шахслар ва уларнинг моҳияти қўйидагича тасвиirlанган.

6-жадвал:

### Хикояда тасвиirlанган шахс ва уларнинг моҳияти

| №  | Шахс           | Моҳият                                     |
|----|----------------|--|
| 1. | Шахзода        | одам ўғли, тангри халифаси                 |
| 2. | Ота            | одами сайфуллоҳ, малаклар сажда қилган зот |
| 3. | Сеҳргар кампир | Дунё                                       |
| 4. | Ҳаким          | илм-маърифат                               |

Оилавий муносабатда ота ва қиз муносабати ҳамда унинг тарбияси жуда нозик масаллардан биридир. Бу борада Атторнинг «Илоҳийнома»сида «Фотиманинг бисоти ҳакида» [5; 362] номли хикоя келтириб ўтиш мумкин. Ушбу хикоя Пайғамбаримизнинг кизлари Биби Фотима тўғрисида бўлиб, Фотима образи оила қадрияти, фарзанд садокати, зоҳирان камтарлик, камсукумлик, ботинан кенг феълли, ор-номус, сабр-матонат тимсолида гавдаланган. Муҳаммад (с.а.в.) ҳамиша камтарлик тимсоли бўлганлар ва атрофдагиларни ҳам дунё восита-ларига кўнгил кўймаслика даъват қилганлар. У киши кизлари Фотимани ҳазрат Алига узатаётганларидан: эй Усамо Зухра қизимни менга чорла, дейди.

Дедиким: « Жон қизим, турғил оёқка,  
Бисотинг не эса, келтир бў ёқка.  
Кўзимнинг нурисен, руҳи равоним,  
Узатгаймен сени Ҳайдарга, жоним...»  
Ато амрига қиз бош эгди шул чоғ,  
Олиб чиқди уйидин бир ёўрочок.  
Чиқарди эски бир бўрёни бул гар,  
Яна мисвок ила янги пояфзал.  
Ёғоч бир коса келтириди боёқиши,  
Кейин кўй терисидин битта болиши.  
Кейин этти ямоқли бир рўмол ҳам,  
Чиқарди, барчасин этди жамулжам...  
Кишиким, сарвари икки жаҳон ул,  
Қизининг сарпасин кўр, мунча йўқсил.  
Паямбаринг қизи эрса бу янглиғ,

Сенга дард-у алам чекмоқ не лойик? Яна бир ислом оламида кенг тарқалган «Фотима сепи» [11; 42] (Жиҳозномаи Фотима) китобидан шарқшунос олима Аннамари Шиммел маълумот келтиради. Фотима сийомси «пайғамбарнинг қизи» сифатида камтаринлик, камсукумлик, меъёр, мезон, шукр каби хислатлар тимсолига айланган ва унга нисбатан «қизнинг ахлоқи ва номусидан кўра буюкроқ ва кимматроқ сепи йўқдир», дейилади.

Она ва бола муносабати дидактик асарларда меҳрибонлик, химоя, тарбия, оқибат каби муносабатлар орқали ёритилган. Жумладан, Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий» асарида «Боласи тарнов бошида қолган хотин» хикоясида она меҳри, унинг боласи учун ҳатти-ҳаракатлари тасвиirlанган. Ўз боласининг тилини тушунмаган бир она устоз-донишмандга мурожаат этиб,

боласи тарнов бошида колгани, чақирса, имо-ишора килса ҳам келмаётгандигини айтибди ва: «Илтимос, боламни тарнов бошидан соғ-омон олиб беринг», – дебди. Доңишманд: «Томга тенгдошини олиб чиқ, шунда боланг тенгдошини кўриб тарнов бошини тарк этади», – дебди. Она боласининг тенгдошини томга олиб чиқкан экан, боласи ўғирилиб бокибди ва тарнов бошини тарк этибди [7; 345]. Мавлоно Румий борлиқни камраб олувчи ишқни онага киёс қиласи. «Маснавий»даги «муруват»ни ҳам она ёки энагага киёс қилинади. «Ишқ – болаларини парвариши қилгучи онадир» [7; 346], – дейди мавлоно.

«Маснавий»да яна онанинг боласига берадиган насиҳати борасида бир хикоя келтирилади. Хикояга кўра, отбокарлар ҳуштак чалиб, отларни сувга шайлар эдилар. Шунда ҳар сафар ҳуштакни эшигтан тойчок хуркиб, бошини кўтариб кўяр эди. Тойчокнинг онаси бу холни кўриб боласига: «Нега жоним болам сув ичаётган пайтинг дам-бадам бошинги кўтарасан?» – дебди. Шунда тойчок: «Ҳуштак хуркитади мени, худди хавф-хатарнинг дарагини бераётганга ўхшайди», – дебди. Онаси: «Дунёда шундай одамлар борки, кераксиз ишларни орттириб, сени муҳим ишдан колдиради. Сен ишингдан колма вакт тигиз, бўлмаса сувсизликдан куйиб қоласан» [7; 475], – дебди. Ушбу хикоя она тимсоли фарзандининг ҳар бир рафторидан боҳабарлиги, огоҳ инсон каби гавдаланади ва фарзандини яхши йўлга чорлагувчи раҳнамо сифатида тасвиirlанади.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Шахс шаклланиши, ривожланиши ва такомилда оила ва оилавий муносабатлар биринчи ўрин эгаллайди. Оилада ота-она ва фарзанд муносабатида кузатиладиган соғлом мухит бу жамиятнинг ривожини ҳам кафолатлади. Дидактик асарларда жамиятнинг муҳим бўғини оиласида ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти аниқ белгилаб берилган ва бу албатта бугунги кун авлодини тарбиялашда ҳам ўз аҳамияти йўқотган эмас. Чунки, мутафаккирларимиз томонидан яратилган дидактик асарларда отанинг ва онанинг бола тарбиясида ташкил этиши лозим бўлган узлуксиз тарбияси ва унинг камолотини кўзлаб иш тутишлари назарий ва амалий жиҳатдан ўз ифодасини топган. Бундан таълим тизими ҳамда кенг жамоачилик оиласида соғлом мухитни яратишда фойдаланиши мумкин.

### АДАБИЁТЛАР

1. Авфий Муҳаммад. Рашиқчи эрни жазолаган хотин. Форс тилидан И.Низомиддинов ва Т.Файзиев таржимаси. Тошкент:Faфур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, 2012. – Б. 122
2. Дехлавий, Амир Ҳусрав. Ёр васли /Амир Ҳусрав Дехлавий; тўпловчи, сўзбоши ва изохлар муаллифи Э.Очилов. – Т.: O'zbekiston, 2011.- 83 б.
3. ИСЛОМ энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2004. - 245 б.
4. Кайковус. Қобуснома /форсчадан Муҳаммад Ризо Оғаҳий тарж.; нашрға тайёрловчилар. С.Долимов, У.Долимов. – Т.: «O'qituvchi», 2011. – 208 б. 36-б.
5. Нишопурӣ, Шайх Фаридиддин Аттор Достонлар «Мантқ ут-тайр», «Асрорнома», «Илоҳийнома», «Панднома», «Булбулнома», «Уштурнома» / Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурӣ; Форсийдан. Жамол Камол таржимаси. Масъул мухаррир А.Саидов, – Т.: «Tamaddun», 2012. – 434 б.
6. Радий Фиш. Жалолиддин Румий: Тарихий биографик роман /Русчадан Ж.Камол тарж. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –272 б.

7. Румий Жалолиддин. Маснавий маънавий /Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: «MERIYUS» XHMK. 2010. – 340 б.
8. Сайдий. Гулистон. Бўстон: тўплам / нашрга тайёрловчи Ҳ.Хомидий; таржимонлар: Ф.Гуломов, Ш.Шомухамедов, Р. Комилов, Чустий. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2013. – 264 б.
9. Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома: достон / Абулқосим Фирдавсий; Форсийдан Ш.Шомухамедов, Ж.Жабборов, Назармат, Ҳ.Ғулом тарж. – Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 736 б.
10. Худжова Мавжуда Ураковна. Образы женщин в «Илохинаме» и «Хусравнаме» Фаридуддина Аттара: автореферат дис. ... кандидата филологических наук: 10.01.03. – Душанбе, 2006. - 22 с.
11. Шиммел Аннемарие. Жонон менинг жонимда; Ислом оламида хотин кизлар сиймоси. – Т.: «Шарқ» нашриёти, 1999. – 42-б.
12. Rabg‘uziy, Nosiriddin. Burhoniddin. Qissasi Rabg‘uziy/ Nashrqa tayyorlovchi B.Abdushukurov. – Toshkent: Yoshlar nashriyoti uyi, 2018. – 86 b.
13. Tusi Xacə Nəsirəddin. Adabül-mütəəllimin (Tələbəlik mədəniyyəti). Bakı: Nurlan, 2002. – 16 b.
14. Tusi Xacə Nəsirəddin. Əxlaqi-Nasiri. / Farscadan tərjume edəni, ön sözü və şəchlərin müallifi: Rəhim Sultanovun. – Bakı, «Lider Nəşriyyat», 2005. – 80 s.